

# Тили чучук инсоннинг намоздаги қироати ва имомликка ўтиши



09:00 / 01.05.2023 2022

Тили чучук инсоннинг намоздаги қироати ва имоматига оид ҳукмлар  
Тили чучук, яъни маълум ҳарфларни айна ўзидек талаффуз қилолмайдиган балки, бошқа ҳарф сифатида талаффуз қиладиган киши, масалан س (син, оддий с) ҳарфини ث (чучук с) қилиб, ر (р) ҳарфини эса ڤ, й ёки ل шаклида талаффуз қиладиган киши араб тилида алсаڤ (اڤلأل) дейилади.

Тили чучуклик деганда одатда талаффуз қилиш имкони бор, бироқ нутқдаги нуқсон туфайли шундай бўлиб қолган инсонлар назарда тутилади. Шу эътибордан, бу нуқсон барча миллатда бор.

Аммо, мавзу намоздаги қироатга хос бўлгани учун араб бўлмаганларнинг бу тил фонетикасидан бехабарлиги, тажвид қоидаларини ўрганмаганлиги туфайли айрим ҳарфларни мунтазам равишда тўғри талаффуз қила олмайдиган одамлар ҳам алсаڤ ҳукмида бўлади.

Мисол учун баъзилар, اڤلأل ن م ح ر ل ا оятида ح (ҳойи хуттий) ҳарфини ڤ (ҳойи ҳавваз) қилиб اڤلأل ن م ح ر ل ا деб ёки ط ҳарфини оддий ت ت қилиб (اڤلأل ن م ح ر ل ا) сўзини اڤلأل ن م ح ر ل ا деб ёхуд ع (айн) ҳарфини чиқаролмай اڤلأل ن م ح ر ل ا деб ўқийдилар.

## **Тили чучук ва унга эргаштириладиган бундай инсонларнинг ҳукми қуйидагича:**

1. У тили чучуклик ёки ҳарфларни махражидан чиқара олмасликда фақат ўзига ўхшаган даражадаги одамларга имомлик қилиши жоиз.
2. Доим талаффузини тўғрилаш устида ишлаши лозим.
- 3 (а) Агар бирор кишига иқтидо қилиб ўқиш имкони бўлса, масалан, масжидда бўлганда кимдирга иқтидо қилиш имкони бўлса ёки ўз уйида ёхуд ўзганинг уйида кимдир айна намозни ўқиётган бўлса ва у иқтидо қилиш имкони бўлса мунфарид (ёлғиз) ҳолда намоз ўқиши дуруст эмас.  
(б) Ёки Қуръони Карим суралари ёхуд қироатга кифоя қиларлик оятлардан ҳарфлар махражларини чиқаришда машаққат ҳис қилмайдиган даражадаги миқдорни ёдлаган бўлса, у ҳолда ўзгага иқтидо қилмаслиги ёки тилини тасҳиҳ қилиб тўғрилашга куч сарфламаслиги жоиз. Масалан, фотиҳа ва кавсар сурасини ўқиганда талаффузи қийин бўлган ҳарф учрамаса умр бўйи намозда шу сураларнинг ўзи билан кифояланиб юрса, намози дуруст бўлади ва имкони бўлган ҳолатда иллоки, ўзгага иқтидо қилиши шарт бўлмайди. Бироқ, талаффузини тўғрилаш устида ишлаб, ҳаракатда давом этиши нур устига нурдир.
4. Алсаф ва унинг ҳукмида бўлган кишининг иқтидо қилиш имкони бўлмаса, масалан уйида ёки бошқа жойда ёлғиз ўзи намоз ўқиса, масжидга бориб келиш машаққат туғдирса, ундай инсон мунфарид ҳолида намоз ўқиши дуруст бўлади, шу шарт биланки, доим ҳарфларни тўғри талаффуз қилиш ва ўрганиш ҳаракатида бўлса.  
Таҳорат қилишдан, либосни поклашдан, руку ва сужуд қилишдан ожиз ҳолда бўлса ҳам намози дуруст бўлар эди кишининг. Худди шунга ўхшаб тўғри қироат қилишдан ожиз инсоннинг ҳам ўзи ҳаққидаги намози дуруст бўлаверади. Бироқ, имкон қадар талаффузини тўғрилаш ҳаракатида бўлиши лозим.
5. Агар □□□ (лусға) яъни тили чучуклик кучли бўлмаса, яъни бирор ҳарфни тиниқ чиқаролмаса-да, эшитилганда қайси ҳарфлиги билинадиган даражада бўлса, қироати дуруст бўлади, валлоҳу аълам.

**Алишер Султонходжаев**